

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.17/7.06.2024.К/Т.06.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АМОНОВА МАТЛУБА МУХТАРОВНА**

**САПРОПЕЛЬ ВА БЕНТОНИТ АСОСИДА КОАГУЛЯНТ-ФЛОКУЛЯНТЛАР  
БИЛАН МОДИФИКАЦИЯЛАНГАН КОМПОЗИТ СОРБЕНТЛАР ОЛИШ ВА  
УЛАРНИ САНОАТ ОҚОВА СУВЛАРИНИ ТОЗАЛАШДА ҚЎЛЛАШ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.13–Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати  
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора (DSc) по техническим  
наукам**

**Contents of the dissertation abstract of doctor of (DSc) on chemical sciences**

**Амонова Матлуба Мухтаровна**

Сапропель ва бентонит асосида коагулянт-флокулянтлар билан  
модификацияланган композит сорбентлар олиш ва уларни саноат оқова  
сувларини тозалашда қўллаш технологияларини ишлаб  
чиқиш.....3

**Амонова Матлуба Мухтаровна**

Разработка технологий получения композиционных сорбентов,  
модифицированных коагулянтами-флокулянтами на основе сапропеля и  
бентонита, и их применение для очистки промышленных сточных  
вод.....31

**Amonova Matluba**

Development of technologies for obtaining composite sorbents modified with  
coagulant-flocculants based on sapropel and bentonite and their application in the  
treatment of industrial wastewater.....58

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....62

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.17/7.06.2024.К/Т.06.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АМОНОВА МАТЛУБА МУХТАРОВНА**

**САПРОПЕЛЬ ВА БЕНТОНИТ АСОСИДА КОАГУЛЯНТ-ФЛОКУЛЯНТЛАР  
БИЛАН МОДИФИКАЦИЯЛАНГАН КОМПОЗИТ СОРБЕНТЛАР ОЛИШ ВА  
УЛАРНИ САНОАТ ОҚОВА СУВЛАРИНИ ТОЗАЛАШДА ҚЎЛЛАШ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.13–Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2025.3.DSc/T953 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида [www.nsumt.uz](http://www.nsumt.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида жойлаштирилган.

<b>Илмий маслаҳатчи:</b>	<b>Мухиддинов Баходир Фахриддинович</b> кимё фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Темиров Ўктам Шавкатович</b> техника фанлари доктори, доцент <b>Усанбаев Нажимуддин Халмурзаевич</b> техника фанлари доктори, профессор <b>Тураев Зокиржон</b> техника фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Термиз давлат университети</b>

Диссертация ҳимояси Навоий давлат кончилиқ ва технологиялар университети ҳузуридаги DSc.17/7.06.2024.К/Т.06.03 рақамли Илмий кенгашнинг «25» октябрь 2025 йил соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Ғалаба шоҳ кўчаси, 76 в уй. Навоий давлат кончилиқ ва технологиялар университетининг мажлислар зали. Тел.: (79) 223-23-32; факс:(79) 223-49-66; (E-mail: [info@nsumt.uz](mailto:info@nsumt.uz)).

Диссертация билан Навоий давлат кончилиқ ва технологиялар университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№226 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Ғалаба шоҳ кўчаси, 76 в уй. Навоий давлат кончилиқ ва технологиялар университетининг мажлислар зали. Тел.: (79) 223-23-32; факс: (79) 223-49-66; (E-mail: [info@nsumt.uz](mailto:info@nsumt.uz)).

Диссертация 2025 йил «30» сентябрь куни тарқатилди.

(2025 йил «30» сентябрдаги 14-рақамли реестр баённомаси).



**Т.И. Нурмуродов**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси в.в.б., т.ф.д., профессор

**С.Ш. Шарипов**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш котиби, PhD., доцент

**Ф.Э. Умиров**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фан доктори (DSc)) диссертацияси аннотацияси**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳонда саноат корхоналарининг фаолияти кенгайиб бориши ва техноген юкламаларнинг ошиши натижасида оқова сувлар таркибидаги мураккаб органик ва ноорганик ифлослантувчиларни самарали тозалаш муаммоси долзарб масала сифатида кўтарилмоқда. Анъанавий фаол сорбент ва коагулянтлардан фойдаланишнинг технологик ва иқтисодий самарасизлиги туфайли, табиий хомашёлар асосида модификация қилинган арзон, самарали ва экологик хавфсиз сорбент-композитлар яратиш орқали сув тозалашга талаб ортмоқда. Хусусан, сапропель ва бентонит асосида модификацияланган сорбентлар оқова сувлар тизимларини энергия ва ресурслар кам сарфлаб тозалаш имконини беради. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бундай тизимлар оқова сувлардан муаллақ моддалар, органик ифлослантувчилар ва оғир металл ионларини юқори самара билан тозалайди. Шу сабабли, табиий ва арзон хомашёлар асосида тозалашда фойдаланиладиган модификацияланган сорбентлар ишлаб чиқиш ва уларни амалиётида жорий этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Дунёда саноат оқова сувларини самарали тозалаш мақсадида келиб чиқиши ўсимликларга оид бўлган чўкиндилар, турли минерал хомашёлар, коагулянт ва флокулянтлар асосида композит сорбентлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, сапропельни механик, термик ва кимёвий ишлов бериш билан сорбцион қобилиятини ошириш ҳамда фаол юза марказлари шаклланишига, сапропельни турли фаоллантириш орқали унинг ғовак тузилиши ва юза майдони ошишнинг мақбул шароитларини аниқлашга, сапропель асосидаги сорбентларнинг оқова сув таркибидаги турли катионлар ва анионларни камайтиришда юқори самарадорлигига эришишга, минерал хомашёларни кислотали муҳитда фаоллаштиришда адсорбцион қобилиятини бир неча марта оширишга, бентонитни модификаторлар иштирокида модификациялаш йўли билан олинган композит сорбент олишни технологияларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда саноат оқова сувларини экологик хавфсиз тозалаш ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш технологияларини яратиш орқали муҳим илмий-амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4992-сон қарорига кўра «Ишлаб чиқаришга тежамкор энергия ва экологик жиҳатдан хавфсиз технологияларни жорий қилиш ҳамда уларни замонавий талаблар асосида ташкил этиш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, чиқиндиларни қайта ишлаш ва минималлаштириш, атмосферага чиқариладиган зарарли моддалар миқдорини камайтириш бўйича илмий-тадқиқот ишларини тизимли равишда

йўлга қўйиш ва халқаро тажрибани амалиётга татбиқ этиш зарур»<sup>1</sup>. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, маҳаллий минерал хомашё — сапропель ва бентонит асосида модификацияланган сорбцион-композит сорбентлар яратиш, уларни коагулянт ва флокулянтлар билан биргаликда қўллаб, саноат оқова сувларини чуқур ва танланма тозалашнинг илмий асосланган технологиясини ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этади. Бунда, ҳудудий хомашёни қайта ишлаш, маҳаллий корхоналар эҳтиёжларини қоплаш ва тозалаш жараёнини арзонлаштириш орқали тоза сув захираларини муҳофаза қилишга қаратилган тадқиқотлар катта илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 февралдаги “Кимё саноати корхоналарини янада ислоҳ қилиш ва молиявий соғломлаштириш, саноат корхоналарини молиявий соғломлаштиришни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4992 сон қарорида ҳамда 2019 йил 17 январдаги “Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4124 сон қарори мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларга мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.**

Дунёда сапропель ва бентонит асосида коагулянт-флокулянтлар билан модификацияланган композит сорбентларни олиш ҳамда уларни саноат оқова сувларини тозалашда қўллаш бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий тадқиқот марказлари ва олий таълим муассаларида, жумладан Варшава технология университети (Полша), Рига техника университети (Латвия), Таллин технология университети (Эстония), Вилнюс университети (Литва), Шандун технология университети (Хитой), Токио университети (Япония), Торонто университети (Канада), Бухоро давлат университети, Тошкент давлат миллий университети, Тошкент давлат техника университети, Ўзбекистон Фанлар академиясида олиб борилмоқда.

Дунёда сапропель ва бентонит асосида коагулянт-флокулянтлар билан модификацияланган сорбентлар ишлаб чиқиш ва уларни саноат оқова

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 13-февралдаги “Кимё саноати корхоналарини янада ислоҳ қилиш ва молиявий соғломлаштириш, саноат корхоналарини молиявий соғломлаштиришни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4992-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2017. – 103 б.

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи қуйидаги манбалар асосида амалга оширилди: [https://link.springer.com/article/10.1007/s13369-016-2244-x?utm\\_source=chatgpt.com](https://link.springer.com/article/10.1007/s13369-016-2244-x?utm_source=chatgpt.com),  
[https://www.researchgate.net/publication/317771309 Influence of Polyelectrolytes and Other Polymer Complexes on the Flocculation and Rheo](https://www.researchgate.net/publication/317771309_Influence_of_Polyelectrolytes_and_Other_Polymer_Complexes_on_the_Flocculation_and_Rheo),  
[https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S2666893924002172?utm\\_source=chatgpt.com](https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S2666893924002172?utm_source=chatgpt.com),  
[https://www.mdpi.com/2071-1050/15/12/9844?utm\\_source=chatgpt.com](https://www.mdpi.com/2071-1050/15/12/9844?utm_source=chatgpt.com),  
[https://pmc.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC10573546/?utm\\_source=chatgpt.com](https://pmc.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC10573546/?utm_source=chatgpt.com)

сувларини тозалашда қўллаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган ва куйидаги илмий натижалар олинган, жумладан: сувлар таркибидаги оғир металл ионлари, бўёқлар ва органик ифлослантувчиларни сорбентларга ютилиш даражаси оширилган (Торонто университети, Канада), табиий сорбентлар, бентонит ва хитозан асосида оқова сувларни оғир металл ионларидан тозалаш, сув ресурсларини қайта ишлаш технологиялари яратилган (Варшава технология университети, Польша), табиий минералларни фаоллаштириш орқали сув таркибидаги фосфат ионларини юқори даражада тозалашда бентонит каби сорбентларнинг аҳамияти ўрганилиб, уларнинг оптимал қийматлари аниқланган (Рига техника университети, Латвия), атроф-муҳит оқова сувларини тозалаш ҳамда сув ресурсларини қайта тиклашга оид, шунингдек, қайта ишлатиладиган сорбентлар олиш технологиялари ва гибрид коагулянтлар яратилган (Таллин технология университети, Эстония), оқова сувлар таркибидан фторид ионлари самарали тарзда ажратиб олинган (Research Center for Water Environment Technology, Токио университети, Япония).

Дунёда сапропель ва бентонит асосида коагулянт-флокулянтлар билан модификацияланган сорбентлар ишлаб чиқиш ва уларни саноат оқова сувларини тозалашда қўллаш бўйича устувор йўналишларда куйидаги қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: маҳаллий хомашёлар асосида юқори сорбцион хусусиятга эга бўлган композит материаллар ишлаб чиқариш, композит сорбентларнинг сорбцион хусусиятини модификациялаш ҳамда регенерацион хусусиятларини ошириш, турли таркибли саноат оқова сувлари учун селектив ион алмашувчи ионитлар олиш, саноат оқова сувларини тозалашнинг айланма тизимларини яратиш, оқова сувларни тозалашнинг иқтисодий самарадор усулларини ишлаб чиқиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон илмий жамоасида минерал хомашё – сапропель ва бентонит – асосида сорбентлар ишлаб чиқиш, уларни коагулянт-флокулянтлар билан модификациялаш ҳамда саноат оқова сувларини тозалаш соҳасида кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилган. Масалан, Хитойлик Jiang Li, Weiqing Zhang, Xiao Lin ва Yongsheng Gao сапропельни биодеградацияланадиган материал сифатида қўллаш бўйича самарали натижаларга эришганлар. Польша олимлари биополимер-бентонит композитлари ёрдамида оғир металл ионларини юқори самарадорлик билан ютиб олиш бўйича тадқиқотлар олиб борган<sup>3</sup>.

Рус илмий мактабида, хусусан, Россия Федерациясидан В.А. Кистяковский, С.Л. Зайцева, А.Н. Гринберг, Г.С. Неретина, В.И. Веретнов, Н.Н. Падергин, Т.Н. Короткова, О.В. Грин, Ю.П. Макаров ва Л.А. Чугуева саноат оқова сувларини тозалашда минерал сорбентларни қўллаш соҳасида илмий изланишлар олиб борган. Уларнинг ишларида бентонит, цеолит,

---

<sup>3</sup> Jiang Li, Weiqing Zhang, Xiao Lin, Yongsheng Gao. *Application of Sapropel in Wastewater Treatment*. Semantic Scholar. URL: <https://pdfs.semanticscholar.org/9413/b957f2ddc360f72640fc3821f7f92ac4e98e.pdf> (муружаат санаси: 14.08.2025).; Jiang Li, Weiqing Zhang. *Recent Advances in Biodegradable Materials from Sapropel*. National Center for Biotechnology Information (NCBI), 2023. URL: <https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC10573546/> (муружаат санаси: 14.08.2025)

сапропель каби минерал хом ашёларни кимёвий ва термик модификация қилиш орқали сорбентларнинг структураси, физик-кимёвий ва сорбцион хусусиятларини яхшилаш ҳамда оғир металл ионлари, нефть маҳсулотлари ва органик ифлослантувчиларни самарали тозалаш бўйича комплекс таҳлиллар амалга оширилган.

Ўзбекистонда Ш.К. Шарипов, И.Г. Якунин, С.Р. Абдуллаев, Б.Н. Икромов, Ў.Ш.Темиров, Т.Т.Азимов кабилар саноат оқова сувларини тозалаш ва қайта ишлаш соҳасида қатор илмий ва амалий ишлар олиб борган. Улар томонидан маҳаллий минерал хомашёлар — бентонит, сапропель, диатомит, цеолит асосида турли модификацияланган сорбентлар тайёрлаш, уларнинг сорбцион, фильтрацион ва регенерация хусусиятларини ўрганиш, шунингдек, коагулянт ва флокулянтлар билан биргаликда қўллаб оғир металл ионлари, нефть маҳсулотлари ва турли органик моддаларни самарали тозалаш бўйича тадқиқотлар амалга оширилган. Ушбу олимлар ишланмаларида кам энергия сарфи ва иқтисодий жиҳатдан мақбул технологияларни ишлаб чиқишга, уларни маҳаллий саноат корхоналарида синовдан ўтказишга ҳамда амалиётга жорий этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Диссертацияни тайёрлаш жараёнида юқорида номлари қайд этилган жаҳон, рус ва ўзбек олимларининг тадқиқотлари чуқур ўрганилди, уларнинг қарашларига муносабат билдирилди ва тадқиқотда сорбентлар тизимининг функционал-технологик самарадорлиги махсус тадқиқ этилди.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Техник сувларни тозалашда ишлатиладиган флокулянт кимёвий реагентини маҳаллий хомашёлардан ишлаб чиқариш”, “Ўзбекнефтгаз” АЖ Муборак газни қайта ишлаш заводининг “Техник сувларни тозалашда ишлатиладиган коагулянт кимёвий реагентини маҳаллий хомашёлардан ишлаб чиқариш” ҳамда “Техник сувларни тозалашда ишлатиладиган флокулянт кимёвий реагентини маҳаллий хом-ашёлардан ишлаб чиқариш” мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** сапропель ва бентонит асосида модификацияланган композит сорбентлар олиш, уларни коагулянт-флокулянтлар билан биргаликда самарали тозалаш компоненти сифатида ишлаб чиқиш ҳамда ушбу сорбентларни саноат оқова сувларини тозалашда қўллаш технологиясини илмий асослаш ва такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

сапропель ва бентонитнинг физик-кимёвий хусусиятларини чуқур ўрганиш, уларнинг сорбцион фаоллиги ҳамда модификация қобилятини турли шартларда аниқлаш, шу орқали тозалаш жараёнларида қўлланилиши учун илмий асос яратиш;

сапропельга механик, термик ва кимёвий ишлов бериш усулларини таҳлил қилиш, ушбу жараёнлар орқали модификацияланган сорбентлар олиш технологиясини очиб бериш ва уларнинг самарадорлигини асослаш;

бентонит ва коагулянт-флокулянтлар асосида модификацияланган композит сорбентлар олиш жараёнларини таҳлил қилиш, бу жараёндаги моддий ва технологик омилларнинг таъсирини белгилаш;

модификация жараёнида ишлатиладиган ҳарорат, рН, намлик, аралаштириш вақти ва реагент концентрациялари каби технологик параметрларнинг сорбент хоссаларига таъсирини чуқур таҳлил қилиш ва оптимал қийматларини аниқлаш;

сапропель ва бентонит асосида олинган сорбентларнинг оғир металллар ( $\text{Cu}^{2+}$ ,  $\text{Zn}^{2+}$ ,  $\text{Ni}^{2+}$ ,  $\text{Pb}^{2+}$ ,  $\text{Cr}^{6+}$  ва бошқалар), аммоний, хлорид ва сульфид ионлари ҳамда умумий қаттиқлик даражасини пасайтиришдаги самарадорлигини баҳолаш, шунингдек, металлургия ва тўқимачилик саноати оқова сувларида қўллаш имкониятларини белгилаш;

олинган сорбентлар ва уларни оқова сувларни тозалашда қўллаш технологияларини йириклаштирилган лаборатория ҳамда саноат-тажриба қурилмаларида амалий синовдан ўтказиш, натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш имкониятларини аниқлаш;

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистонда учрайдиган сапропель ва бентонит минераллари, улар асосида модификацияланган сорбентлар ҳамда коагулянт-флокулянтлар иштирокида тайёрланган композит сорбентлар, шунингдек, металлургия ва тўқимачилик саноатининг оқова сувлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни сапропель ва бентонитга турли ишлов бериш орқали сорбцион хусусиятларини яхшилаш, уларни модификациялаш ва саноат оқова сувларини тозалашда самарадорлигини баҳолаш ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда кимёвий, физик-кимёвий, ИҚ-спектроскопия, рентгенографик, масс-спектроскопик ва хроматографик таҳлил усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

сапропельнинг сорбцион хусусиятлари, табиий алюмосиликат ва органоминерал таркиби, ғовак тузилиши ҳамда фаол юза марказлари СЭМ, XRF, EDS, FTIR, TGA/DTA таҳлил усуллари ёрдамида аниқланган;

сапропельни 350 °С ҳароратда фаоллаштириш орқали юза майдони ва ғовак ҳажми оптималлашган ҳолда адсорбцион фаоллиги оширилган ҳамда структурасининг механик барқарорлиги сақланганлиги аниқланган;

сапропель ва бентонитни натрий карбоксиметилцеллюлоза, полиакриламид ва алюминий сульфат билан модификация қилиш натижасида таркибий-структуравий кўрсаткичлари ва адсорбцион хусусиятлари ошганлиги аниқланган;

сапропель ва бентонит асосида модификацияланган сорбентлар олишда ҳарорат, рН, намлик, аралаштириш вақти ва реагент концентрациялари бўйича мақбул технологик режимлар ишлаб чиқилган;

бентонит, коагулянт ва флокулянтлар комбинациясидан фойдаланиш орқали сувни тозалаш самарадорлиги 90 % дан юқори даражага етказилиб,

коагуляция ва флокуляция жараёнларининг синергетик таъсири илмий асосланган;

модификацияланган сорбентлар қўлланилиши натижасида саноат оқова сувларидан оғир металллар, анионлар ва органик ифлослантитувчи моддалар миқдори кескин камайтирилиб, сувнинг экологик тозалик кўрсаткичлари ошганлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Навбаҳор бентонити ва сапропелни модификация қилиш орқали юқори адсорбцион фаолликка эга бўлган сорбентлар олишнинг техник параметрлари ишлаб чиқилиб, уларнинг саноат оқова сувларини тозалашдаги қўлланиш имкониятлари далилланган;

Сапропель ва бентонит асосида тайёрланган сорбентлардан фойдаланиш орқали ишлаб чиқариш, санитария ва экологик меъёрларга мос саноат оқова сувларини тозалаш техник кўрсаткичлари ишлаб чиқилиб, уларнинг амалий самарадорлиги исботланган;

Навбаҳор бентонити ва сапропелни қайта ишлаш орқали самарали сорбентлар олиш ҳамда уларни оқова сувларни тозалаш жараёнида қўллаш бўйича технологик режимлар ишлаб чиқилиб, экологик хавфсизликни таъминлашдаги аҳамияти асослаб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Олинган натижаларнинг ишончилиги, тадқиқот натижаларининг кимёвий, физик-кимёвий таҳлиллар, лаборатория синовлари ёрдамида кўп сонли тажрибаларнинг қониқарли даражада мутаносиблиги ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Навбаҳор бентонити ва сапропелнинг тузилиш, термик барқарорлик ва фаоллик марказлари илмий асосда ўрганилганлиги, улар асосида юқори адсорбцион қобилиятга эга бўлган сорбентлар олиш технологиясини ишлаб чиқилганлиги ҳамда ушбу сорбентларнинг тузилишини СЭМ, XRF, FTIR, XRD ва TGA/DTA каби замонавий таҳлил усуллари билан комплекс аниқланганлиги, сорбентлар олиш жараёнларнинг физик-кимёвий асослари, назарияси ривожига катта ҳисса қўшиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сапропель ва бентонит асосида тайёрланган сорбентлар оқова сувларни темир, сульфат, нитрит, нитрат, фосфор ва аммоний ионлари миқдорини 40–93% гача камайишига рангсизлантиришига, тиниқлик ва ҳидсизлантириш самарадорлигини 91–95% гача етказишга, композит таркибда 1,0:0,15:0,1:0,2 (Бентонит:NaHSO<sub>3</sub>:ПАА:Al<sub>2</sub>(SO<sub>4</sub>)<sub>3</sub>) нисбатидаги сорбентнинг юза майдони 220 м<sup>2</sup>/г, ғовак диаметри 3,2 нм, ғовак ҳажми эса 0,28 см<sup>3</sup>/г бўлган, юқори фаолликка эга бўлган модификацияланган сорбентлар ишлаб чиқишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Сапропель ва бентонит асосида модификацияланган композит сорбентлар олиш, уларни коагулянт-флокулянтлар билан биргаликда самарали тозалаш компоненти сифатида

ишлаб чиқиш ҳамда ушбу сорбентларни саноат оқова сувларини тозалашда қўллаш технологияси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

модификацияланган сапропель ва бентонит асосида юқори самарадор сорбентлар олиш ва уларни коагулянт ҳамда флокулянтлар ёрдамида комбинацияланган усули Навоий кон-металлургия комбинати АЖ да оқова сувларни турли оғир металл катионларидан тозалаш амалиётига жорий этилган (2025 йил 29 сентябрдаги 02-07/02/9226-сон маълумотномаси). Натижада, импорт ўрнини босувчи сорбентлар олиш ҳамда уларни коагулянт-флокулянтлар билан биргаликда самарали тозалаш компоненти сифатида Навоий кон-металлургия комбинати АЖ оқова сувларни муайян даражада тозалашга хизмат қилган;

оқова сувларни комплекс сорбент-коагулянт-флокулянт комбинацияланган усул ёрдамида тозалаш жараёни Навоий кон-металлургия комбинати АЖ да амалиётга жорий этилган (Навоий кон-металлургия комбинати АЖнинг 2025 йил 29 сентябрдаги 02-07/02/9226-сон маълумотномаси). Натижада, импорт ўрнини босувчи сорбентлар олиш ва уларни оқова сувни тозалашда қўллаганда, таркибдаги катионлардан  $\text{Cu}$  – 5,89 мг/л;  $\text{Ni}$  – 11,76 мг/л;  $\text{Cr}$  -0,56 мг/л;  $\text{Co}$  – 3,43 мг/л 80-90% тозалаш имконини берган;

маҳаллий хомашёлар асосида сорбция-коагуляция-флокуляция усулида чўктириш орқали кимёвий тозалаш усули Навоийазот АЖ да амалиётга жорий этилган. (Навоийазот АЖ корхонасининг 2025 йил 2 августдаги 03-48/83-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу усул орқали тозалаш натижасида Навоийазот АЖ №99 цехи оқова сувлари таркибидаги туз миқдорини 196-198 мг/л (81,7%) гача,  $\text{Cl}^-$  иони миқдорини 21-23 мг/л (83,2%) гача камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 12 та Республика илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 47 та илмий ишлар чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари (DSc) асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 25 та мақола, жумладан, 10 та Республика журналларда, 15 та хорижий журналларда чоп этилган, 1 та монография нашр қилинган ҳамда Интеллектуал мулк агентлиги томонидан электрон ҳисоблаш машиналари учун 2 та дастурий таъминот гувоҳномалари олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 200 бетни ташкил этган.


## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш қисмида** олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва унга бўлган талаб, тадқиқот мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари

ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга қўлланилиши бўйича тавсиялар, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши келтирилган.

**“Минерал ва биоген хом ашёлар асосида сорбцион материаллар олиш ҳамда оқова сувларни тозалаш технологиялари бўйича илмий-тадқиқотлар тахлили”** деб номланган биринчи бобида сапропель моддасининг физик-кимёвий хусусиятлари, унинг ион алмашиш қобилияти ва оғир металллар ( $\text{Cu}^{2+}$ ,  $\text{Zn}^{2+}$ ,  $\text{Pb}^{2+}$ ,  $\text{Ni}^{2+}$ ) га нисбатан сорбция салоҳияти кенг кўламда ўрганилган. Сапропель асосидаги табиий сорбентларнинг ифлослантирилган оқова сувларни тозалашдаги юксак потенциални очиб беради. Бу натижалар сапропельнинг нафақат табиий ресурс сифатида, балки модификация орқали юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотга айланиши мумкинлигини исботлайди.

**“Тадқиқот объектлари, уларнинг физик-кимёвий хусусиятлари ва ишлатилган тадқиқот усуллари”** деб номланган иккинчи бобда сапропель ва бентонит намунасига оид рентгенограмма тахлили ўрганилган. Сапропельнинг термик тахлили TGA/DTG/DSC, ИК-спектри ҳамда СЭМ тахлилларини ўз ичига олган бўлиб, тахлил натижалари материалнинг органик ва минерал таркибини, термостабиллигини ҳамда энергия алмашилиш жараёнларини тавсифланган. Буларнинг барчаси сапропельнинг табиий-гибрид табиатини – яъни, органик ва минерал қисмларнинг бир вақтда мавжудлигини намоён этган бўлиб, бу турдаги структуралар сорбцион хусусиятларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этиши изоҳланган. Тадқиқотларимиз давомида комбинацияланган тозалаш усулида нафақат сапропель, балки Навбахор бентонити асосида тайёрланган сорбентлар ҳам қўлланилди.




**1-расм. Навбахор бентонитнинг СЭМ тасвири**

Навбахор бентонитининг электрон-микроскопик тахлил натижалари келтирилган (1-расм).

Навбахор бентонитининг сканерловчи электрон микроскопияси (СЭМ) тасвири унинг табиий алюмосиликат табиатига хос бўлган қатламли ва флокулянт (йиғиндича/юпқалик) структурасини яққол кўрсатади. Тасвирнинг ўнг томонида келтирилган ЭДС (энергия-дисперсион спектрометрия) таҳлили бентонитнинг элемент таркибини кўрсатиб беради. Таҳлил натижаларидан кўришиб турибдики, бентонит асосан кислород (42,6%) ва кремний (36,3%) элементларига бой, бу унинг асосий тузилмаси – кремний-кислород остеокаркети ( $\text{SiO}_4$  тетраэдрлари) билан ташкил топганлигини тасдиқлайди. Алюминий (11,7%) ва темир (3,6%) миқдори монтмориллонит ва бошқа алюмосиликат минераллар таркибига хос бўлиб, алюминий қатламлараро позицияда ва ион алмашинув марказларида жойлашган. Калий (2,8%), натрий (1,2%), магний (1,0%) ва молибден (0,8%) миқдорлари бентонит таркибидаги ионлар орасидаги алмашинув қобилиятини ва модификация потенциалини кўрсатади. Айниқса, Мо ва Fe элементларининг мавжудлиги бентонитнинг модификация қилинган ёки ифлосланиш манбасидан келиб чиққанини кўрсатади.

Навбахор бентонитининг термогравиметрик таҳлили (TGA) унинг термик барқарорлиги, компонент таркиби ва моддий йўқотиш жараёнларини баҳолаш имконини беради (2-расм). Таҳлил натижаларига кўра,  $100^\circ\text{C}$  гача бўлган интервалда жуда оз миқдорда масса йўқотиш кузатилади, бу асосан адсорбцияланган физик сувнинг буғланиши билан боғлиқ. Бу босқичдаги йўқотишлар бентонитнинг табиий гигроскопик хусусиятини тасдиқлайди.  $100\text{--}250^\circ\text{C}$  оралиғида ҳеч қандай кескин реакция кузатилмайди, бу эса унинг структураси барқарор эканини кўрсатади.



**2-расм. Навбахор бентонитининг дериватограммаси: 1-температура эгри чизиғи; 2-динамик термогравиметрик таҳлил эгри чизиғи (ДТГА); 3-динамик термогравиметрик анализ эгри чизиғининг ҳосиласи (ДТГП); 4-DSK эгри чизиғи**

Таҳлилнинг асосий реактив фазаси  $250\text{--}600^\circ\text{C}$  оралиғида кузатилади. Бу босқичда материалнинг массаси сезиларли даражада камаяди, DTG қисмда

максимал қиймат 421.09°C атрофида қайд этилган. Бу ҳолат алюмосиликат қатламларидаги боғланган сув (структурали сув), гидроксил гуруҳларининг дегидратацияси ҳамда органик ифлослантирувчи ёки модификация элементларининг парчаланишига тўғри келади. Бу реакция экзотермик бўлиши ва ДТА қисмда энергия чиқиши ҳам кузатилган бўлиши мумкин.

Таҳлилнинг 600–1000°C оралиғидаги учинчи босқичида моддий йўқотиш жараёни яна секинлашади. Бу жараёнда асосан қалин қатламли алюмосиликат структуранинг термик қайта тузилиши, бўшлиқлар структурасининг қисқариши ва кремний-алюминий остеооскелетининг қайта кристалланиши кузатилиши мумкин. Ушбу босқичда умумий вазн йўқотиши тахминан 4–6% ни ташкил қилиши мумкин, бу миқдор структурадаги гидроксил гуруҳларнинг тўлиқ ажралиши ва фазавий ўзгаришларни акс эттиради. Умуман олганда, Навбахор бентонити термик жихатдан барқарор ва структураси 600°C гача бўлган ҳароратда ўзгаришга учрамайдиган фаол минерал модда эканлиги исботланади.

**“Сапропель хомашёсини механик ва термик фаоллантириш асосида сорбентлар олиш ҳамда уларни саноат оқова сувларини тозалашда қўллаш”** деб номланган учинчи бобда сапропелни сорбент сифатида ишлатиш учун унинг физик-кимёвий хусусиятларини яхшилаш мақсадида қатор технологик ишловлар қўлланилган.

Сапропелдан сорбент сифатида фойдаланишда унинг физик-структуравий хусусиятларини яхшилаш мақсадида турли даражада майдалаш талаб этилади. Ушбу жараён ғоваклар ўлчамига, сорбция қобилятига бевосита таъсир кўрсатади. 600 мкм даражадаги майдаланган сапропелнинг ғоваклари <5 нм бўлиб, асосан микроғовак тузилмага эга (1-жадвал). Бу фракциядаги сапропелнинг фаоллиги паст, газ ёки ионлар ушбу ғовакларга кира олмайди, сорбция марказлари нофаъл ҳолда қолади. Шунинг учун бундай ўлчамдаги сапропель тузилмавий тўлдирувчи ёки мелиорант сифатида кўпроқ ишлатилади. 400 мкм даражадаги сапропелда ғоваклар ўлчами 9,5 нм атрофида бўлиб, мезоғоваклар шакллана бошлайди, бу БЕТ кўрсаткичларини яхшилайдди. Ҳар доим тозалаш ёки модификация жараёнларида бу фракцияга эга материални аралашмаларга қўшиш орқали самарадорликни ошириш мумкин. 200 мкм гача майдаланганда ғоваклар ўлчами 17,8 нм гача етади. Бу диапазондаги мезоғоваклар фаол ва очиқ бўлиб, сорбция марказлари шакллана бошлайди. Ушбу ўлчам сапропелни органик-минерал ўғитлар, биокомпост, ҳамда филтрация жараёнларида гомоген сорбент сифатида ишлатиш учун қулай ҳисобланади. Унинг БЕТ юза майдони ҳам 20 м<sup>2</sup>/г атрофида шаклланади, бу юқори фаолликка яқинлашишда муҳим босқичдир.

100 мкм даражада сапропелнинг ғоваклар ўлчами 34,5 нм гача етиб, тузилмада фаол мезоғоваклар ривожланади, юза майдони сезиларли ортиб, сорбция марказлари максимал даражада фаоллашади. Бу диапазондаги материал адсорбция жараёнларида, айниқса оғир металлларни, фосфатлар ва нитратларни оқова сувдан тозалашда юқори самара беради. 100 мкм — механик жихатдан барқарор, қайта ювилиш эҳтимоли паст, филтрлаш

тизимлари учун жуда мос. БЕТ таҳлилларида 59 м<sup>2</sup>/г гача юза майдони кўрсатган бундай фракция экотехнологиялар учун идеал ҳисобланади. 50 мкмда эса ғоваклар янада очилади (38,7 нм), БЕТ юза майдони юқори (64 м<sup>2</sup>/г), аммо ювилиш ва фильтр қатламидан ўтиб кетиш хавфи ортиши мумкин. Бундай фракция коллоид шаклда суюқ муҳитда тез тарқалади, лекин қайта тикланиши ва механик барқарорлиги паст бўлади. Шу сабабли, 100 мкм ғовак тузилмани сақлаган ҳолда юза майдони, фаол марказлар, механик барқарорлик ва қайта ишлаш имконияти бўйича энг мақбул йириклик ҳисобланади. Ушбу ўлчам лаборатория шароитида ҳам, амалий саноатда ҳам турли адсорбция ва фильтрлаш тизимларида кенг қўлланилиши мумкин. Ушбу таҳлиллардан келиб чиқиб, диссертация ёки илмий ишларда 100 мкм майдаланиш даражасига эга сапропель сорбент сифатида тавсия этилади. Сапропель каби табиий моддаларнинг адсорбцион хусусиятларини яхшилашда термик фаоллаштириш усули муҳим ўрин тутди. Ушбу жараёнда материал маълум ҳароратда қиздирилиб, унинг физик-кимёвий тузилмасидаги намлик, органик моддалар, ва хар хил фаол элементлар йўқотилиши орқали фаол марказлар ва ғоваклар юзасининг очилишига эришилади.

1-жадвал

Сапропельни механик майдаланиш даражасининг ғоваклар ўлчами ўзгаришига таъсири

№	Майдаланиш даражаси	Ғоваклар ўлчами	Изоҳлар
1	600 мкм	< 5 нм	Микроғовакли, фаоллик паст, газ кириши чекланган
2	400 мкм	9,5 нм	Мезоғоваклар шакллана бошлайди, БЕТ кўрсаткичи яхшиланади
3	200 мкм	17,8 нм	Ғоваклар фаол ва очик, сорбция марказлари фаоллашади
4	100 мкм	34,5 нм	Фаол мезоғоваклар ривожланган, тозалаш учун самарали
5	50 мкм	38,7 нм	Ғоваклар жуда очик, БЕТ юқори, лекин ювилиш эҳтимоли ортиши мумкин

Ушбу тадқиқотда 250 °С дан 450 °С гача бўлган ҳарорат интервалида фаоллаштирилган сапропель намуналарининг БЕТ юза майдони аниқланди. Ҳарорат 250 °С бўлганида юза майдони 18,54 м<sup>2</sup>/г бўлиб, материалдаги намликнинг чиқиши ва қисман ғовакларнинг ҳосил бўлиши билан изоҳланади. 300 °С да ушбу кўрсаткич 26,63 м<sup>2</sup>/г гача ошиб, ғовак структура шаклланиши бошлангани маълум бўлади.

Юқори фаоллик ва тозалаш самарадорлиги 350 °С ҳароратда эришилди. Ушбу ҳароратда БЕТ юза майдони 39,49 м<sup>2</sup>/г бўлиб, сапропельнинг ички структурасида мезоғоваклар тўлиқ очилади, актив сорбция марказлари ривожланади. Бу температура — структура барқарорлиги, адсорбцион қобиляти ва қўллаш имконияти жиҳатдан энг мақбул шароит ҳисобланади.

Бизга маълумки, тоғ-кон металлургия саноати корхоналари оқова сувлари минерал ва органик ифлосланишнинг юқори даражасига эга. Бундай сувларни тозалаш учун комплекс технологиялар — жумладан, сапропель, бентонит, минерал ва полимер флокулянтлар асосида сорбция, коагуляция ва фильтрация усуллари қўлланилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу эса атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш билан бирга, қайта ишлаш ва техник сув олиш имкониятини ҳам яратади.

2-жадвал

3-ГМЗ саноат корхонаси оқова сувлари таҳлил натижалари

Катион-лар	Бир литр эритманинг таркиби			Бошқа кўрсаткичлар	
	мг/л	мг-экв/л	%-экв/л		
Na <sup>+</sup>	658	28,61	22,98	Умумий қаттиқлик мг-экв/л:	85,23
K <sup>+</sup>	245	6,28	5,05	Карбонат	3,79
NH <sub>4</sub> <sup>+</sup>	32	1,78	1,43	Карбонатсиз	70,18
Ca <sup>2+</sup>	748	37,40	30,05	рН	7,89
Mg <sup>2+</sup>	574	47,83	38,43	СО <sub>2</sub> эркин. мг/л	29
Fe <sup>3+</sup>	32	1,71	1,38	СО <sub>2</sub> агр мг/л	Мавжуд эмас
Fe <sup>2+</sup>	24	0,86	0,69	SiO <sub>2</sub> мг/л	8
Жами	2313	124,47	100,00	Курук қолдиқ: мг/л	
Анионлар				Эксперимент	7858
				Ҳисобланган	7763
Cl <sup>-</sup>	2045	57,61	46,28	Физикавий хоссалари	
SO <sub>4</sub> <sup>2-</sup>	2310	48,13	38,67	Тиниклиги	Филтрлашдан кейин тиник
NO <sub>2</sub> <sup>-</sup>	1,2	0,03	0,02	Таъми	Жуда шўр
NO <sub>3</sub> <sup>-</sup>	772	12,45	10,00	Ранги	Рангсиз
CO <sub>3</sub> <sup>-</sup>	54	1,86	1,50	Ҳиди	Ҳидсиз
HCO <sub>2</sub> <sup>-</sup>	268	4,39	3,53	Қолдиқ	Чайқалмай турганда чўкмага тушади
Жами	5450,2	124,46	100,00	Ютилган моддалар, мг/л	410


Юқоридаги таҳлилий маълумотларга таянган ҳолда, 3-сонли гидрometаллургия заводи оқова сувларини тозалаш учун композит сорбентлар ва комплекс технологияларни ишлаб чиқиш зарурати яққол кўзга ташланади. Бундай сувларда юқори миқдордаги катионлар (Ca<sup>2+</sup>, Mg<sup>2+</sup>, Na<sup>+</sup>), анионлар (SO<sub>4</sub><sup>2-</sup>, Cl<sup>-</sup>, NO<sub>3</sub><sup>-</sup>), ҳамда курик қолдиқлар юқори даражада бўлгани боис, оддий механик ёки биологик тозалаш етарли самара бермайди (2-жадвал).

Шунинг учун адсорбцион, ион алмашинувчи ва коагуляцион жараёнларни биргаликда қўллаш талаб этилади. Бунинг учун эса сапропель асосида юқори самарали сорбентлар яратиш мақсадга мувофиқ.

Сапропелнинг юза майдони (БЕТ) ва ғовакликлар ҳажмини оптималлаштириш, жумладан, механик (100 мкм гача майдалаш) ва термик (350 °С да фаоллаштириш) ишлов бериш орқали уларнинг сорбцион қобилияти оширилади.

Шу билан бирга, турли рН ва электролит миқдорида турли катион-анионларни сорбция қилиш қобилияти аниқланиб, амалдаги ифлосланган сувда бу сорбентлар қандай самара бераётгани лабораторияда текширилади. Шу орқали, гидрометаллургия жараёнларидаги фтор, сульфат, нитрат ва аммоний ионлари каби юқори ифлосланувчиларни сифатли тозалаш имконияти яратилади.


Ҳарорат 400 °С гача оширилганда юза майдони 42,54 м<sup>2</sup>/г, 450 °С да эса 45,39 м<sup>2</sup>/г ни ташкил этди (3-расм). Ҳароратни ошириш билан фаоллик бир оз ортади, бироқ 400 °С дан юқори ҳароратларда структурада емирилиш, ғовакликлар қисмининг йўқотилиши ва қайта ювилиш эҳтимоли пайдо бўлади. Шу боис 350 °С – функционал юза майдони ва механик барқарорлик ўртасидаги мувозанат нуқтаси деб баҳоланади. Бу ҳароратда фаоллаштирилган сапропель саноат оқова сувларини тозалаш, моддий сорбция жараёнлари учун энг самарали ҳолатда бўлади.



**3-расм. Сапропелни термик фаоллантиришнинг БЕТ юза майдони ўзгаришига таъсири**

Сапропель асосидаги сорбент рентнограммаси ўрганилди, ўрганиш натижалари 4-расмда келтирилган. Олинган натижалардан кўриниб турибдики, сапропель асосидаги сорбентнинг рентгенодифрактометрия (XRD) таҳлили натижалари 43 та аниқланган пиклар орқали сорбент таркибининг кўп фазали эканини тасдиқлайди. Асосий минераллар сифатида


калцит ( $\text{CaCO}_3$ ), кварц ( $\text{SiO}_2$ ), доломит ( $\text{MgCO}_3 \cdot \text{CaCO}_3$ ), гематит ( $\text{Fe}_2\text{O}_3$ ), магнетит ( $\text{Fe}_3\text{O}_4$ ), каолинит, иллит, хлорит, мусковит ва бошқа алюмосиликатли моддалар аниқланган. Рентгенограммадаги эътиборга молик пиклардан №4 ( $22,34^\circ 2\theta$ ,  $d = 3,9801 \text{ \AA}$ ,  $I/I_0 = 312,50$ ) — калцит, кварц ва ок иллитга мос келувчи пик бўлиб, сорбентдаги юқори кристалликли структурани англатади; №6 ( $24,31^\circ 2\theta$ ,  $d = 3,6320 \text{ \AA}$ ,  $I/I_0 = 328,12$ ) — кварц ва магнетитга тегишли бўлиб, механик барқарорлик ва сорбцион хусусиятларга хисса қўшади; №11 ( $28,23^\circ 2\theta$ ,  $d = 3,1607 \text{ \AA}$ ,  $I/I_0 = 963,61$ ) — энг юқори интенсивликка эга бўлиб, калцит ва доломит билан мос келади; №13 ( $30,95^\circ 2\theta$ ,  $d = 2,8871 \text{ \AA}$ ,  $I/I_0 = 267,52$ ) — доломит ва иллит фазаларига мос; №22 ( $37,79^\circ 2\theta$ ,  $d = 2,3806 \text{ \AA}$ ,  $I/I_0 = 130,43$ ) — кварц, леймонтит ва магнетит каби кремнийли фазалар билан боғлиқ; №39 ( $59,98^\circ 2\theta$ ,  $I/I_0 = 81,04$ ) ва №40 ( $61,41^\circ 2\theta$ ,  $I/I_0 = 64,28$ ) пиклари эса гематит, мусковит ва магнетит фазаларининг мавжудлигини англатади. Рентгенограммада пикларнинг торлиги ва FWHM қийматларининг асосан 0,1–0,3 интервалда бўлиши сорбент таркибида юқори даражада кристалликка эга минералларнинг устунлигини кўрсатади. Шу билан бирга, 0,5–0,75 каби кенг пиклар аморф аралашмаларнинг мавжудлигидан далолат беради. Сапропель асосида тозаланган 3-гидрометаллургия заводи оқова сувлари таркибидаги металлларнинг тозаланиш даражаси ўрганилди ва олинган натижалар 5-расмда келтирилган.



#### 4-расм. Сапропельни асосидаги сорбент рентгенограммаси

Таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики, сорбент миқдори ошган сари барча металллар учун концентрация кескин камайган. Бу эса, сапропель асосидаги сорбентнинг юқори сорбция қобилиятига эга эканлигини ва оқова сувларнинг санитар-экологик ҳолатини яхшилашда самарали ечим эканлигини кўрсатади. Ҳар бир металл бўйича концентрациянинг босқичма-босқич тушиши, сорбентнинг тўйиниш нуқтасигача бўлган самарадорлигини ҳам кўрсатади. Масалан, 0,1% дан 0,2% гача сорбент қўшилганда металллар миқдоридаги фарқ катта бўлса, 0,25% ва 0,3% оралиғида айрим металллар

учун тушиш нисбатан секинлашади. Бу амалиётда оптимал сорбент миқдорини аниқлаш ва ресурс тежамкорлигини таъминлаш учун муҳим.




### 5-расм. Сапропель асосида тозаланган 3-гидрометаллургия заводи оқова сувлари таркибидаги металлларнинг тозаланиш даражаси

Сапропель асосидаги сорбент қўшилиш миқдори ошган сари оқова сувдаги барча асосий металлларнинг тозаланиш даражаси изчил ошгани яққол кўринади (5-расм). Масалан, алюминий (Al) учун тозалаш даражаси 0,1% сорбентда 67,05% бўлса, 0,3% сорбентда 92,49% гача етади. Марганец (Mn) 64,25% дан 89,63% гача, никель (Ni) эса 60,16% дан 84,82% гача тозаланган. Бу тенденция мис (Cu), цинк (Zn), мышьяк (As), селен (Se), стронций (Sr), молибден (Mo), хром (Cr) ва кобальт (Co) каби бошқа металлларда ҳам кузатилиб, уларнинг барчаси учун тозалаш даражаси 0,3% сорбентда 80% дан юқорига кўтарилган.

Айниқса, рух (Zn), хром (Cr) ва селен (Se) каби элементлар учун энг юқори тозалаш самарадорлиги қайд этилган бўлиб, 0,3% сорбентда улар мос равишда 92,62%, 95,52% ва 95,27% тозаланиш даражасига эришган. Бу эса сапропель асосидаги сорбентнинг юқори сорбция қобилиятига эга эканлигини ва оқова сувдаги зарарли металлларни РЭМ меъёрларга яқинлаштиришда самарали ечим эканлигини тасдиқлайди.

**“Бентонит ва коагулянт-флокулянтлар асосида композит сорбентлар олиш ва уларни саноат оқова сувларини тозалашда қўллаш”** деб номланган тўртинчи бобда бентонит гилининг сорбентлик хоссаларини ошириш мақсадида уни сульфат кислотаси билан турли рН қийматларида кимёвий фаоллаштириш усули қўлланилган.

Бентонит, натрий гидросульфит, полиакриламид ва алюминий сульфатдан иборат 1,0:0,15:0,1:0,2 нисбатдаги композицион адсорбент рентгенодифракцион таҳлилдан ўтказилиб (6-расм), унинг фазавий тузилмаси, кристаллик даражаси ва моддий таркиби хақида муҳим маълумотлар олинди.



**6-расм. Бентонит, натрий гидросульфит, полиакриламид ва алюминий сульфати асосидаги (1,0:0,15:0,1:0,2) композицион адсорбентнинг рентгенодифрактограммаси**

Таҳлил  $10^{\circ}$ – $80^{\circ}$   $2\theta$  интервалда, Cu-K $\alpha$  нурланишида ( $\lambda = 1,54178 \text{ \AA}$ )  $0,02^{\circ}$  тўлқин узунлигида ўтказилди. Натижалар асосида намунанинг асосий пиклари ва уларнинг қайси моддаларга мос келишини баҳолашга эътибор қаратилди.

Намунанинг энг кучли пики  $2\theta \approx 26,6^{\circ}$  ( $d \approx 3,34 \text{ \AA}$ ) бўлиб, у кремний оксиди ( $\text{SiO}_2$ ), яъни кварц фазасига мос келади. Бу пик бентонит таркибидаги кремний асосий фазаси ҳисобланиб, адсорбция қобилиятида муҳим роль ўйнайди. Кварц юқори кристаллик даражаси ва яхши термохимёвий барқарорлиги билан ажралиб туради. Шу билан бирга,  $2\theta \approx 27\text{--}30^{\circ}$  ( $d \approx 3,3\text{--}3,0 \text{ \AA}$ ) диапазонидаги пиклар ҳам кварц ва монтмориллонит ёки иллит сингари алюмосиликат фазаларга мос келади. Бу фазалар композицион адсорбентдаги бентонитнинг асосий тузилишини таъминлайди.

$2\theta \approx 33,1^{\circ}$  ( $d \approx 2,7 \text{ \AA}$ ) пик монтмориллонит ёки иллит фазасига тегишли бўлиб, алюмосиликатлар таркибини ифода этади. Бу фазалар адсорбция қобилиятининг юқорилиги ва структуранинг кенг ғовақлиги билан тавсифланади.  $2\theta \approx 35,5^{\circ}$  ( $d \approx 2,5 \text{ \AA}$ ) пик иллит билан боғлиқ бўлиб, айниқса алюминий гидроксид ( $\text{Al}(\text{OH})_3$ ) қатламлари таъсирида намунанинг тузилишидаги ўзгаришларни акс эттиради. Ушбу пикда алюминий сульфат таъсирида алюминат қатламларининг вужудга келиши билан изоҳланади.

$2\theta \approx 20\text{--}25^\circ$  ( $d \approx 4,4\text{--}3,5 \text{ \AA}$ ) атрофидаги пиклар асосан монтмориллонитнинг Na ва Ca алюмосиликат қатламларига, шунингдек, иллит фазасига мос келади. Полиакриламиднинг юза тузилишидаги органик боғланишлар ғовакларни қисман ёпишига олиб келади ва пикларнинг кенглигида ўз аксини топади.  $2\theta \approx 38\text{--}42^\circ$  ( $d \approx 2,3\text{--}2,1 \text{ \AA}$ ) пиклар гидроксидлар, масалан,  $\text{Al}(\text{OH})_3$  ёки гидратланган алюминатлар, шунингдек, натрий гидросулфит таъсирида ҳосил бўлган реакция маҳсулотларига мос келиши мумкин. Бу пиклар намунанинг механик барқарорлигини ва кристалл тартибини белгилаб беради.


$2\theta \approx 43,5\text{--}45^\circ$  ( $d \approx 2,1\text{--}2,0 \text{ \AA}$ ) атрофидаги пиклар алюмосиликатларнинг юқори даражада кристаллланган шаклларига ишора қилиб, сорбция қобилиятини оширувчи катта юза майдони ва ғоваклари билан боғлиқ.  $2\theta \approx 50^\circ\text{--}52^\circ$  ( $d \approx 1,8\text{--}1,7 \text{ \AA}$ ) пиклар эса алюминий гидроксид ёки алюминат фазаларга мос келади. Улар алюминий сульфат таъсирида алюминат гидроксид қатламлари билан боғланиш натижасида вужудга келади. Шунингдек,  $2\theta \approx 54^\circ$  ( $d \approx 1,7 \text{ \AA}$ ) пик ҳам кремний оксиди (кварц) ва алюминат-гидроксид фазаларига мос келиши мумкин.

Умумий хулосага кўра, композицион адсорбент таркибидаги асосий фазалар алюмосиликатлар (монтмориллонит, иллит), кремний оксиди (кварц), алюминат ва гидроксидлардир. Бу фазалар адсорбентнинг юза майдони, ғоваклар улчами ва механик барқарорлигини белгилаб, унинг сувда мустаҳкамлигини таъминлайди. Ҳосил бўлган структурада алюминий сульфатнинг алюминат қатламлари ва натрий гидросулфитнинг реакция маҳсулотлари микрокристаллик даражани оширган ва ғовакликларини мустаҳкамлаган. Таҳлил натижалари бу композицион адсорбентнинг адсорбция қобилияти юқори ва механик барқарор эканлигини кўрсатади.

ИК спектроскопия таҳлилида композицион адсорбентнинг таркибий фазаларидаги органик ва минерал боғлар келтирилган (7-расм). Спектрда  $4000\text{--}500 \text{ см}^{-1}$  диапазонидаги ҳосилалари тўлиқ таҳлил қилинди, бунга кўра  $3700\text{--}3000 \text{ см}^{-1}$  диапазонида кенг чизиқлар O–H боғларининг валент тебранишларини кўрсатади, бу бентонит ва полиакриламид таркибидаги гидроксил гуруҳлари билан боғлиқ. Бу пиклар сув буғи ва сув молекулалари, гидроксил боғларининг адсорбцияланган ҳолдаги тебранишларини англатади.

$2850\text{--}2950 \text{ см}^{-1}$  атрофидаги пиклар C–H валент тебранишларига тегишли бўлиб, полиакриламид таркибидаги метилен ( $-\text{CH}_2-$ ) гуруҳлари билан боғлиқ. Бу пиклар полиакриламиднинг адсорбент юзасига боғланиши ва углеводород структураларини ташкил қилиши ҳақида маълумот беради.

$1650\text{--}1600 \text{ см}^{-1}$  орасидаги пиклар C=O (карбонил) ва C=C боғларининг тебранишларига, полиакриламиднинг амид гуруҳлари ва алюмосиликат қатламларининг кремний ва алюминий боғланишларига тегишли. Бу пиклар бентонит таркибидаги иллит ва монтмориллонит структуралари билан боғлиқ бўлиши мумкин.



**7-расм. Бентонит, натрий гидросулфит, полиакриламид ва алюминий сульфати асосидаги композицион адсорбентнинг ИҚ спектри**

1450–1400  $\text{cm}^{-1}$  диапазондаги пиклар C–H деформация тебранишлари билан боғлиқ. Бу полиакриламид таркибидаги органик гуруҳларнинг механик барқарорлигини кўрсатади. 1100–1000  $\text{cm}^{-1}$  атрофидаги юқори интенсив пиклар Si–O–Si ва Si–O–Al боғларининг тебранишларига тегишли, бу алюмосиликат тузилишидаги асосий боғлардир.

800–600  $\text{cm}^{-1}$  орасидаги пиклар алюмосиликатларнинг тўғри бурчакли тебранишларига, айниқса бентонит ва иллитдаги кислород атомларининг ҳаракатига тегишли. Бу диапазондаги пиклар алюминий сульфат таъсирида юзада алюминат қатламлари пайдо бўлишини ҳам кўрсатади. 600–500  $\text{cm}^{-1}$  орасидаги кичик интенсив пиклар  $\text{NaHSO}_3$  (натрий гидросулфит) таъсиридаги C–S ва S=O боғларининг тебранишларига мос келиши мумкин.

Умуман, таҳлил натижаларидаги асосий пиклар композицион адсорбентнинг минерал (бентонит ва алюмосиликатлар) ва органик (полиакриламид) фазалари ўртасидаги боғларнинг барқарорлигини ва юзадаги функционал гуруҳларнинг (OH, C=O, Si–O) мавжудлигини кўрсатди. Бу натижалар композицион адсорбентнинг юқори адсорбцион қобилиятига ва механик барқарорлигига олиб келади. Шунингдек,  $\text{NaHSO}_3$  таъсирида C–S боғларининг шаклланиши ва алюминий сульфат таъсирида алюминат қатламларининг пайдо бўлиши адсорбент юзасида фазавий ва кимёвий ўзгаришларни таъминлаган.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, тўқимачилик саноати оқова сувларини ифлослантирувчи моддаларнинг концентрациясининг композицион адсорбентлар миқдорига боғлиқ ҳолда ўзгариши таҳлил қилинди, олинган натижалар 3-жадвалда келтирилган. Бунга кўра, муаллақ моддалар концентрацияси адсорбент кўшилиши билан 87% дан ортиқ

камайиб, бу адсорбция жараёнида уларнинг адсорбент катламларига боғланиши ва йирик заррачаларнинг агломерацияси билан изоҳланган.

3-жадвал

Тўқимачилик саноати оқова сувларини ифлослантирувчи моддаларнинг концентрацияси ўзгаришининг адсорбент миқдorigа боғлиқлиги

Кўрсаткичлар	Бошланғич оқова сув	0,25 кг/тонна	0,5 кг/тонна	0,75 кг/тонна	1,0 кг/тонна	1,25 кг/тонна	1,5 кг/тонна	1,75 кг/тонна	2,0 кг/тонна
рН	9	8,6	8,5	8,4	8,3	8,2	8,1	8,0	7,9
Муаллақ моддалар (мг/л)	400	325	252	204	142	124	93	68	52
Сирт фаол моддалар (мг/л)	70	64	58	51	43	36	29	24	20
Умумий ишқорий муҳит(мг/экв/л)	9,6	9,4	9,3	9,0	8,7	8,4	8,1	7,8	7,5
Қурук қўшимча (мг/л)	1200	1160	1042	805	608	538	478	385	275
Хлоридлар (мг/л)	51	50	45	40	35	30	25	22	20
Сульфатлар (мг/л)	350	338	304	278	212	201	190	175	160
КБС <sub>умумий</sub> (мг/л)	321	312	272	233	205	180	163	121	103
ККС (мг/л)	400	376	350	304	255	212	183	163	145
(P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> ) (мг/л)	14,5	13,5	12,5	10,47	8,63	6,38	4,42	3,30	2,87
NH <sub>4</sub> <sup>+</sup> (мг/л)	6,7	6,7	5,5	4,5	3,5	2,5	2	1,5	1
Шаффолик (см)	2	3	4	5	7	8	10	12	13

СФМ концентрацияси 70 мг/л дан 20 мг/л гача тушиши полиакриламиднинг гидрофоб органик моддаларни адсорбция қилиши билан боғлиқ бўлиб, оқова сувдаги синтетик ювиш воситалари ва бошқа органик моддалар миқдорини камайтиришга ёрдам берган, СФМ камайиши эса сув сифати яхшиланишининг асосий кўрсаткичларидан ҳисобланади. Хлоридлар


